O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. 14

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2004 йил 24 июль, шанба • №60 (11.655) • Эркин нархда сотилади

Мустақиллик 13 йил

Юқоричирчиқ:

## Янгиланиш довонлари

**Эмин-эркинлик, турли миллат фарзандларининг жипслашиб, биргаликда меҳнат қилишлари Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт уфқларини кенг очаётир. Ҳар бир кишида ўзлигини намоён этиш учун улуғ бир интилиш. Қишлоқлар обод бўлиб, шаҳарларимиз кўркамлашиб, йўлларимиз равонлашмоқда. Мустақиллик меҳнатга муносабатимизда, турмуш тарзимизда, иқтисодиётимиз ва маънавиятимизда, шахсий ҳаётимизда беқиёс ўзгаришлар юз беришига олиб келди. Ватанимизнинг кичик бир бўлаги — Юқоричирчиқ туманида ҳам одамлар эзгу мақсадлар, орзу-умидлар йўлида меҳнат қилмоқдалар. Ўз саъй-ҳаракатларини хонадонлар маъмурчилиги, маҳаллалар ободончилиги, юрт тўкинчилигини таъминлашга, мамлакатимиз иқтисодий куч-қудратини оширишга қаратмоқдалар. Бугунги ҳикоямиз мустақиллигимизнинг 13 йиллигини муносиб кутиб олаётган юқоричирчиқликларнинг ҳаёти, меҳнати ва фаолияти ҳақида.**

(Давоми 4-5-бетларда).



*Юртимиздаги маросим ёки яхши кунларни кексаларсиз ўтишини тасаввур этиш қийин. Миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримизни ёш авлодга мерос қолдирувчилар ҳам, истиқболимиз келажаги бўлмиш ўғил-қизларни ўзбекона руҳда тарбияловчилар ҳам шулар. Бугунги маънавий ҳаётимизни алқаб, мустақиллигимиз туфайли эришилаётган муваффақиятлардан мамнун ҳолда шу кунга етказганига шукр қилиб яшаётган бу отахонлар ҳамиша элу юртга омонлик, тинчлик-хотиржамлик, хонадонларимизга қут-барака тилайдилар. Улар бор экан бағримиз бут, кўнглимиз хотиржам.*

***СУРАТДА:*** *отахонлар ҳамиша тўрда.*

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат-лавҳа.**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг*

*ҚАРОРИ*

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессиясини чақириш тўғрисида

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси 2004 йил 26 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри, 2004 йил 23 июль.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилга мўлжалланган Давлат бюджетининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва параметрлари прогнози тўғрисида.
3. «Экспорт назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
4. «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
5. «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (янги таҳрири).
6. «Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
7. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
8. «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
9. «Ўзбекистон Республикасининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатини ва Сенатининг аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
10. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (янги таҳрири).
11. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

* * *

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

## Олимпиада ғолибаси

**Москва шаҳрида рус тили ва адабиёти бўйича ўтган халқаро олимпиадада 36 давлатдан икки юз нафардан кўпроқ рус миллатига мансуб бўлмаган ўқувчи қатнашди.**

Улар орасида олти нафар ҳамюртимиздан бештаси совринли ўринларни эгалладилар.Хусусан, Янгийўл туманидаги 45-мактаб ўқувчиси Дилноза Имондосова бронза медали ва учинчи даражали диплом соҳибаси бўлди.

**Вилоят маданият ишлари бошқармасига қарашли «Турон» илмий универсал кутубхонасида даврий нашрларнинг янги қироатхонаси очилди.**

## «Турон»да янги қироатхона

Шу муносабат билан бу зиё масканида ўтган тадбирда олимлар, ёзувчи ва шоирлар, китобхонлар иштирок этди.

«Турон»га салкам бир аср муқаддам маърифатпарвар ўзбек зиёлиларининг «Турон» жамияти томонидан асос солинган. Кутубхона жамғармасини ҳам илғор ўзбек зиёлилари нодир китоблар билан бойитган. Бугунги кунда унда 375 минг нусха китоб, салкам бир асрлик газета ва журналлар сақланмоқда. Айни пайтда кутубхона юзга яқин даврий нашрга обуна бўлган.

Кутубхона жамоаси китобхонларга юқори савияда хизмат кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Унда 75 минг нусхадан ортиқроқ ўзбекча адабиётларнинг электрон каталоги тузилиб, ҳуқуқий маълумотлар базаси яратилган. Китобхонлар интернет тармоғидан ҳам фойдаланишлари мумкин.

Тадбирда сўзга чиққанлар жамият тараққиётида, ёшларнинг маънавий камолотида кутубхона ва китобнинг ўрни беқиёс эканини қайд этди. Бу борада «Турон» кутубхонасида ибратли ишлар амалга оширилаётганини таъкидланди.

## Иншоотлар таъмирланаяпти

**Паркент туманидаги бир қатор иншоотларда тўлиқ ва жорий таъмирлаш ишлари олиб борилаяпти.**

Хусусан, туман марказидаги кураш мактабини тўла таъмирлаш ва жиҳозлаш мақсадида вилоят ҳокимлиги томонидан 56 миллион сўмлик маблағ ажратилди.

Халқ таълими бўлимига қарашли 2 та умумтаълим мактаби ҳамда 4 та болалар боғчасида ҳам тўла таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Бу ишлар учун 115 миллион сўм маблағ сарфланиши назарда тутилган.

**Равшан РУСТАМОВ.**

*• Ҳисобот-сайлов конференциялари*

## Жамият таянчи ва ишончи

**Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаолликларини кучайтириш ва жамиятда тутган ўринларини кўтариш, уларнинг давлатни бошқаришдаги ролини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.**

(Давоми 2-бетда).

*• Анжуман*

## Дастур ижросига бағишланди

**Бугунги ижтимоий соҳадаги кенг қамровли ўзгаришлар, янгиланишлар замирида инсон омили, турмуш ва ҳаётининг фаровонлашуви жамиятнинг асосий вазифаси сифатида ўз аксини топиб, амалий ишлар изчил олиб борилмоқда.**

(Давоми 2-бетда).

# Жамият таянчи ва ишончи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва уни бажариш юзасидан қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг қарори хотин-қизларга бўлган эътиборни давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга мазкур Фармон ва қарор хотин-қизлар қўмиталари зиммасига катта масъулият ҳам юкламоқда. Улардан кўзланган асосий мақсад хотин-қизларимизнинг демократик жараёндаги ижтимоий-сиёсий, социал фаоллигини ошириш, уларнинг оиладаги, жамиятдаги ва давлат қурилишидаги вазифаларини ҳал этишдаги ролини кучайтириш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, лўнда қилиб айтганда, хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини сифат ва мазмун жиҳатдан янги поғонага кўтаришдан иборатдир.

Айни кунларда хотин-қизларнинг туман, шаҳар ва қуйи бошланғич ташкилотларида Республика Президенти Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси қарорида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш ва кун тартибида турган энг долзарб масалаларни ҳал этишга ҳамда келгуси ҳаракат дастурларини белгилаб олишга бағишланган ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари бўлиб ўтмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозиргача вилоятнинг барча шаҳар, туманларидаги хотин-қизларнинг қуйи бўғин ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ниҳоясига етди. Уларда эришилган натижалар билан биргаликда йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш, муаммоларнинг ечимини топиш юзасидан тегишли режалар белгилаб олинди.

Айни кунларда шаҳар, туман хотин-қизлар қўмиталарининг ҳисобот-сайлов конференциялари ўтказилмоқда. Куни кеча Ангрен, Олмалиқ шаҳарлари ҳамда Оҳангарон ва Ўртачирчиқ туманларида хотин-қизлар қўмиталарининг ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтди. Хотин-қизларнинг ваколатли вакилалари қўмиталар томонидан ҳисобот даврида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш билан биргаликда, жамиятнинг таянчи ва ишончи бўлган бу энг йирик жамоат ташкилотлари олдида турган вазифаларни амалга ошириш юзасидан кенг кўламдаги йўналишлар белгилаб олдилар.

Шунингдек, ҳисобот-сайлов конференцияларида хотин-қизлар қўмиталарини сифат жиҳатидан юқори поғонага кўтариш мақсадида ташкилий масалалар ҳам кўрилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).



*СУРАТДА: «Бурсел Тошкент текстил»нинг бўлажак чеварлари амалий ўқув машғулотларида.*

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

*«Чиноз тўқимачи» ва «Оқ сарой тўқимачи» корхоналари етказиб бераётган хом ашё эвазига фаолият юритувчи «Бурсел Тошкент текстил» МЧЖ қўшма корхонаси ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотнинг 80 фоизини экспорт қилиш мажбуриятини олган. Шу йилнинг декабрь ойидан иш бошлаши кўзда тутилаётган корхонада йилига 57 миллиондан ортиқ, турли бичимдаги либослар тайёрланади. Шуниси диққатга сазоворки, хорижий ҳамкорлар билан бунёд этилаётган ушбу корхона 1400 нафар маҳаллий ёшларни иш ўринлари билан таъминлайди. Айни кунларда улар касб сирларини ўрганмоқдалар.*

## Ҳунар ўрганишаяпти

**Янгийўл туманидаги «Раъно» хусусий фирмаси хотин-қизларни касбга йўналтириш ва ҳунарли қилиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти олиб бормоқда.**

Яқинда мазкур фирма «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг вилоят бўлими билан ҳамкорликда бундай ўқув марказлари сонини яна учтага кўпайтирди. Айни вақтда туманнинг «Навбаҳор», «Шўралисой», «Қўшёғоч» ва Убай Мусаев номли қишлоқларида истиқомат қилаётган юзга яқин аёллар пазандачилик, уй ҳамшираси, тикиш-бичиш, қандолатчилик курсларида ҳунар ўрганмоқдалар.

Шерали РАҲМАТУЛЛАЕВ.

● *Анжуман*

# Дастур ижросига бағишланди

Фарзандларимизнинг истиқболи учун, орзу-ҳавасларини рўёбга чиқариш мақсадида таълим соҳасида туб ўзгаришлар амалга оширилаётир. Хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим тизимининг моддий-техника базасини замон талаблари даражасида янгилаш, ўқув муассасаларини тубдан яхшилаш, бу ишларга бюджетдан ташқари маблағларни жалб этишнинг механизмларини такомиллаштириш мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида катта ишлар амалга оширилияпти. Президентимизнинг мактаб таълимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармойишларида умумий таълим мактаблари моддий-техника базаси ҳолатини танқидий баҳолаш ҳамда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш мақсадида қатор вазифалар илгари сурилди. Шунингдек, «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармон янги таълим тизимининг истиқболли йўналишларини белгилаб берди. Эндиликда бу тизимни тубдан яхшилашга қаратилган ишлар кўламини кенгайтирди. Яқинда ушбу дастурни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ бузиб ташланадиган мактаб биноларини ўрнига янгиларини қуриш, мактабларни капитал таъмирлаш, капитал ва жорий таъмирлаш бўйича чекланган норматив харажатларни ҳамда намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича «Ўзшаҳарсозлик-ЛИТИ», «Ўзқишлоқлойиҳа», «Ўзмеъморқурилишлойиҳа» очиқ акциядорлик жамиятлари бош институтлар этиб белгиланган.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бўка туманидаги маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида Вазирлар Маҳкамасининг 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг бажарилиши бўйича бўлиб ўтган семинар-йиғилишида ана шу вазифалар ҳақида сўз борди.

Бугунги кунда вилоятда 897 та мактаб аҳволи тўлиқ ўрганиб чиқилиб, улардан 775 таси қайта таъмирлаш учун истиқболли режага киритилди. Хусусан, вилоятда 38 та янги мактаб биноси қурилиши, ишлаб турган умумтаълим мактабларидан 290 таси капитал реконструкция, 362 таси капитал таъмирлашга, 85 таси эса, жорий таъмир талаб қиладиган мактаблар жумласига киритилди. Ҳозир жойларда дастлабки босқичдаги вазифалар изчил амалга оширилмоқда. Бу йил режага киритилган умумтаълим мактабларидаги таъмирлаш ишларининг сифатли амалга оширилиши назоратга олиниб, барча ишлар изчил мувофиқлаштирилмоқда.

Семинар-йиғилишда лойиҳалаштириш бош институтларида ишлаб чиқилган мактабларнинг намунавий лойиҳалари, макетлари намойиш қилинди.

Йиғилишда Бекобод, Бўка, Оққўрғон ҳамда Пскент туманларининг иқтисодиёт ва ижтимоий, капитал қурилиш бўйича ҳоким ўринбосарлари, ҳокимликнинг иқтисодиёт ва молия бўлимлари бошлиқлари, мактаб раҳбарлари, вилоятдаги мутасадди идоралар вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда иштирокчиларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб берилди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

# Илмий ҳамкорлик ривож топмоқда

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Беҳзод Йўлдошевнинг Буюк Британияда ўтказган учрашувлари давомида мамлакатларимиз илмий марказлари ўртасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.**

Британия академияси вице-президенти Николас Манн билан музокара ниҳоясида имзоланган битим ҳам истиқболда биргаликда қилинадиган ишларни назарда тутади. Қироллик жамияти ижроия котиби Стефан Кокс ўзбек ҳамкасби билан учрашиб, Миллий фанлар академияси Бирлашган Қиролликда британиялик мутахассислар билан илмий тадқиқотлар олиб боришга интилаётган ёш ўзбек олимларини қўллаб-қувватлашга тайёр эканини маълум қилди.

Лондон археология институти директори Питер Юко ҳамда археологик материаллар ва технологиялар профессори Тило Рихрен билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида ҳамкорлик муваффақиятли ривожланаётгани қайд этилди.

"Жаҳон" АА,
Лондон.

# «Гиёҳванд моддаларсиз ҳаёт»

**«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан Бўстонлиқ туманидаги «Бахт» болалар оромгоҳида дам олаётган Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистондан келган болалар иштирокида «Гиёҳванд моддаларсиз ҳаёт» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

Таъкидлаш жоизки, жамғарма "Меҳр ва мурувват йили" Давлат дастури ҳамда ҳукуматимизнинг соғлом авлод тарбиясига тааллуқли кўпгина қарорларини бажариш, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантириш, кам таъминланган оилалар фарзандлари ва етим болаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни рағбатлантириш мақсадида хайрия тадбирларини ўтказишда давом этмоқда.

Мазкур тадбир доирасида жамғарманинг тиббий ижтимоий патронаж гуруҳлари томонидан оромгоҳда дам олаётган болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Бундан ташқари, бу ерда ҳордиқ чиқараётган ўспирин болалар иштирокида жамғарма мутахассислари "Гиёҳванд моддаларсиз ҳаёт" мавзуида давра суҳбати ўтказишди. Шунингдек, жамғарма қошидаги "Соғлом авлод гунчалари" театр студияси томонидан Эркин Хушвақтовнинг "Қирмизи олма" спектакли намойиш этилди. Тадбирда бу ерда дам олаётган болажонларга тиббий жиҳозлар, дори-дармонлар ва мультивитаминлардан иборат мурувват ёрдами топширилди.

Алишер АЗИМОВ,
"Туркистон-пресс".

# Боғларда ҳосил мўл



**Айни кунларда вилоятимизнинг қайси ҳудудига борманг, шиғил ҳосил туккан мевазорларни кўриб, кўзингиз қувнайди.**

«Бу йил боғдорчилик йили бўлди», деяётган уста боғбонларнинг гапларида жон бор. Дарҳақиқат, она-табиатнинг чексиз саховати, қолаверса, боғдорчиликнинг ўзига хос машаққатли юмушларини эрта баҳордан бошлаган боғбонларнинг тинимсиз меҳнатлари эвазига бугун мева дарахтларида мўл ҳосил пишиб етилди.

Айни пишиқчилик дамларини ғанимат билиб, ҳосилнинг нес-нобуд бўлишига йўл қўймай, йиғиштириб олиш галдаги муҳим вазифадир. Қибрай туманидаги боғдорчиликка ихтисослаштирилган «Истиқлол» ширкат хўжалиги пудратчилари терим ишларини ўз вақтида бошлаб, маҳсулотни харидорларга сифатли қилиб етказиб бермоқдалар.

Хўжалик боғларида етиштирилган олмаларга Намангандаги «Тip-Тор» шарбат ишлаб чиқарувчи корхона 40 тонналик буюртма берган.



***СУРАТЛАРДА:*** *«Истиқлол» ширкат хўжалиги оилавий пудратчилари ўз меҳнатлари эвазига етиштирилган ҳосилнинг салмоқли бўлаётганидан мамнунлар.*

**Фазлиддин АБДУРАСУЛОВ олган суратлар.**

● *Мутахассис тавсия этади*

# Кечиктириб бўлмайди

**Ёз чилласида ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши қишлоқ хўжалик экинларини, шу жумладан, ғўза зараркунандаларидан ўргимчаккана, кўсак қурти ва бошқаларнинг ривожланиши учун жуда қулайдир.**

Бунинг олдини олиш учун аввало дала атрофидаги бегона ўтларга олтингугурт кукунидан 1 гектарига 30 килограмм чанглатилди. Бу борада Қуйичирчиқ тумани хўжаликларида олиб борилаётган тадбирлар самарали бўлмоқда. Туманда ўтган 2003 йилда ўргимчаккана тушган ўчоқлар синчиклаб назоратдан ўтказилди ва бу йил уларнинг тарқалиши олдини олиш учун махсус воситалар ёрдамида барча далаларга олтингугурт ва оҳак қайнатмаси пуркалди. Олиб борилган тадбирларга қарамасдан туман хўжаликларидаги 12199 гектар майдоннинг 68 гектарига ўргимчаккана тарқалди. Унга қарши тезликда «Узмайт» кимёвий препарати ишлатилди. Акс ҳолда ўргимчаккана тез кўпайиб (июлда 8-9 кунда бир авлод беради), бутун майдонни зарарлаши, натижада бу шона, гул ва ёш кўсакларнинг тўкилиб кетишига, бу билан етиштирилаётган ҳосил ва унинг сифати пасайишига олиб келиши мумкин эди. Шунинг учун айни кунларда вилоятнинг барча хўжаликларида ўргимчаккана тарқалишига мойил бўлган майдонлар назоратчилар, энтомологлар томонидан жиддий ўрганилиши, аниқланган ўчоқлар дарҳол «ИСО» аппарати билан сифатли дориланиши керак.

Ғўзалар шоналаган даврида ўзидан чумоли – шавель кислотасининг ҳидини ажратади. Шунинг учун шоналаган бўлиқ ғўза туплари кўсак



қуртининг капалакларини ўзига жалб қилади. .

Июль ойида пахта далаларида кўсак қуртининг иккинчи авлод капалаклари ривожлана бошлайди. Буни ҳисобга олган вилоят пахтакорлари ҳамда энтомологлари зиммасида бу паллада ғўза қатор ораларига сифатли ишлов бериш, суғориш ва маҳаллий ўғит билан озиқлантириш каби долзарб юмушлар билан бир қаторда пахта ҳосилини ўргимчаккана ва кўсак қуртидан ҳимоя қилишдек муҳим, кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни бажариш зарурияти турибди. Буни амалга оширишда шу соҳа мутахассислари, хўжалик энтомологлари ва назоратчилари ҳар бир пайкалдаги ғўза тупларини соғ ёки зарарланиш ҳолатини аниқлаб, хўжаликлар ва туманларда ташкил этилган тезкор штабларга маълумот беришлари зарур. Шу маълумотларга асосланиб, пахта майдонларида тезликда биологик ёки кимёвий усулда ҳимоя чоралари қўлланилади. Бу билан бўлажак ҳосил ўз вақтида сақлаб қолинади.

**Султон АЛИМУҲАММЕДОВ,**
**Ўзбекистон энтомологлар жамияти раиси, академик.**

# Янги тизим – янги экспорт имконияти

**EAN Uzbekistan маҳсулотларни автоматик идентификациялаш маркази мазкур соҳада кенг қўлланилувчи умумжаҳон реестри GEPIR тизимига аъзо бўлди.**

– Юртимизда автоматик идентификациялаш ва микрочипли кодлаш иқтисодиётнинг барча жабҳаларига жадал кириб бораётганини ҳисобга олсак, мазкур тизимга аъзолик биз учун яна бир муҳим қадам бўлди, – дейди «EAN Uzbekistan» маркази бош директори вазифасини бажарувчи Навфал Собиров. – Энди ўзбекистонлик товар ишлаб чиқарувчилар штрихли кодлаш ишларини мувофиқлаштирувчи халқаро ташкилот – EAN-UCCга аъзо давлатларнинг олти юз мингдан зиёд корхоналари ҳақида батафсил ахборот олиш ва уларга ўз маҳсулотлари тўғрисида маълумот бериш имкониятига эга бўлди. Бу эса мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини янада ошириши, шубҳасиз.

**ЎзА.**

# Ёшлар ва саломатлик

**Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда оромгоҳларда дам олаётган болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларнинг репродуктив саломатлик бўйича билимини ва тиббий маданиятини юксалтиришга йўналтирилган ўқув-соғломлаштириш тадбирлари иккинчи босқичи якунланди.**

Тадбир доирасида камқонлик ва йод етишмовчилиги касалликларининг келиб чиқиш сабаблари, гиёҳвандлик ҳамда ОИТС тарқалишининг олдини олиш ва бошқа мавзуларда болалар билан давра суҳбатлари ўтказилди. Ушбу мавзуларга оид махсус қўлланма ва адабиётлар тарқатилди.

**Б.ХИДИРОВА, ЎзА мухбири.**

● *Яна тўловлар ҳақида*

# Ҳафсаласизликми ёки ўғрилик?



**Юқоричирчиқ туманида истиқомат қилувчи Б. Бутанқулов яхши ният билан тегирмон қурганида, қўни-қўшнилар, маҳалладошлар хурсанд бўлишди. Чунки улар анча узоқдаги шундай хизматдан фойдаланишдан, оворагарчилик ва машаққатлардан халос бўлдилар. Ҳар ҳолда яқинда бўлгани яхшида.**

Электр қуввати билан ҳаракатга келадиган тегирмон ишга тушгач, бу ерда ғалла торттиришни истаганлар ҳам кўпайиб кетди. Тегирмонни ўз хонадони ҳудудида барпо этган, якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланишга киришган Б. Бутанқулов уни электр қуввати тармоғига уладию, лекин бунинг учун тегишли мутасадди ташкилотлардан рухсатнома олишга ҳафсала қилмади. Рухсат олмай, қувватдан фойдаланаверди. Бироқ, унинг бу қилмиши узоқ давом этмади. «Ўздавэнергоназорат» агентлигининг Тошкент бўлими ходимлари иштирокида энергетиклар жадвал асосида ўтказган текширувларнинг бирида фош этилди.

Тегирмонни электр тармоқларига рухсатсиз улагани учун беҳафсала омилкор моддий жавобгарликка тортилди. Қайта ҳисоб-китоб қилинганидан кейин, қўшимча 75 минг 734 сўм жаримани нақд ёнидан тўлашга мажбур бўлди. Агар у тегирмонни қувват билан таъминлаш учун тегишли идоралардан вақтида рухсатнома олганида, шунча миқдордаги пулдан маҳрум бўлмас эди. Кейинги пушаймондан фойда йўқлигини кеч тушунган тадбиркор эндиликда минг бор афсусланганидан наф йўқ.

Бундай «эсидан чиқариш», «ҳафсаласизлик» қилиш аслида эса давлат, халқ мулкига нисбатан ўғриликнинг айнан ўзгинасидир. Шундай иллатлар бошқа шаҳарлар ва туманларда ҳам содир бўлаётганлиги ташвишли ҳол. Аслида бундай ноқобиллик узоққа бормайди, бугун бўлмаса эртага маълум бўлиб қолади. Айтадиларку, қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, деб.

Жойларда энергиядан фойдаланишнинг аҳволини текшириш вазифаси зиммасига юклатилган махсус назорат идоралари ходимлари ўз фаолиятлари давомида кўплаб салбий ҳолатларнинг устидан чиқмоқдалар.

Юқоридаги каби номаъқулчилик Тошкент туманидаги «Султон ота» хусусий фирмасида ҳам аниқланган. Фирма маъмурияти маҳалла гузарида чойхона ва турли маҳсулотлар билан савдо қилувчи дўкон очди. Бу ҳар томонлама таҳсинга сазовор иш, албатта. Аммо, фирма раҳбари бу объектларни электр тармоқларига улаш учун мутасадди ташкилотлар рухсатини олиши, улар билан шартнома тузиши керак эди. Амалда эса бундай тартибга риоя қилинмади. Аҳолига хизмат қилишга мўлжалланган чойхона ва дўконга электр тармоқларидан ўзбошимчалик билан сим тортилди. Бу эса, тадбиркорга жуда қимматга тушди. Шартнома асосида қайта ҳисоб-китоб қилинди ва унга қўшимча 533 минг 320 сўм жарима солиниб, ундириб олинди.

Бўстонлиқ туманида «Тўйчи» хусусий фирмасида бошқача бир салбий ҳолат устидан чиқилди. Бу ерда электр ҳисоблагичнинг уланиш схемаси бузилган эди. Оқибатда ишлатилган муайян миқдордаги ҳаётбахш нур ҳисобга олинмаган. Бу қилмиши учун фирма раҳбарига қўшимча 150 минг сўм тўлов тўлаш ҳужжатлари тақдим этилди. Шу тумандаги «Феруза» хусусий фирмаси текширилганда эса электр ҳисоблагичнинг давлат муҳри бузилганлиги аниқланди.

Электр узатиш тармоқларига ўзбошимчалик билан ёки рухсатсиз уланиш, ёки ҳисоблагичларни тўхтатиб қўйиш, улардаги давлат стандарти муҳрларини бузиш каби қоидабузарликлар моддий бойлик бўлган электр қувватидан ўғринча фойдаланишнинг ўзидир.

*Электр қувватидан ҳалоллик билан фойдаланиш лозим. Тушган маблағлар эса, электр узатиш тармоқлари ва нурхоналарни таъмирлаш, асбоб-ускуналарини янгилаш, технологиясини такомиллаштиришга сарфланади. Бу ҳар бир фирма, корхона ёки хонадоннинг ўзини ҳаётбахш нур билан мунтазам ва сифатли таъминланиб турилишига эришишнинг асосий омилидир.*

**Собир ҲАМИДОВ.**

## ЕХҲТга ташриф

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳайъати Венада Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) томонидан ўтказилган "Сайлов стандартлари ва мажбуриятлари" мавзуидаги кенгашда иштирок этиб қайтди.**

Мазкур халқаро ташкилот фаолиятида иштирок этаётган 55 давлат вакиллари анжуманда номзодлар ва сайловчиларнинг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари, сайлов жараёнининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши, сайлов кампаниясида хотин-қизлар иштироки, сайлов жараёнини ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан кузатилиши каби масалалар юзасидан фикр алмашишди.

Кенгаш доирасида Ўзбекистон ҳайъатининг ЕХҲТ демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори К.Штрохаль ҳамда Германия, Литва, Франция, Россия ва бошқа мамлакатлар вакиллари билан икки томонлама учрашувлари бўлиб ўтди.

**"Жаҳон" АА.**

## Байрам тараддуди

**Истиқлолимизнинг ўн уч йиллик тўйини кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида Бекобод шаҳри ишчи гуруҳи ўзининг дастлабки режаларини белгилаб, ишга киришди.**

Унга кўра байрам кезлари 100 дан зиёд кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга моддий ҳамда маънавий кўмак бериш, шаҳарни байрамона руҳда безаш, қолаверса, Меҳр ва мурувват йили давлат дастури асосида ўтказиладиган тадбирлар кўлами белгиланди.

Байрам шаҳарнинг ҳар бир маҳалласида катта тантана сифатида нишонланиши режалаштирилган.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ.**

## Яна бир ҳамкорлик

**Республика Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ва Словакия ташқи сиёсати ассоциацияси ўртасида ўзаро ҳамкорлик юзасидан битим имзоланди.**

Словакия ташқи сиёсати ассоциацияси (СТСА) мамлакат ўз истиқлолига эришган дастлабки йилларда ташкил топган бўлиб, мустақил, партиясиз ва нотижорат ташкилот ҳисобланади.

СТСА кутубхоналарни бойитиш, кенгайтиришга жиддий эътибор қаратади. Унинг кутубхона жамғармаси энциклопедиялар, турли мамлакатлар ташқи сиёсатига оид йилномалар, ташқи сиёсат, халқаро хавфсизлик ва бошқа масалаларни ёритувчи ўзининг «Listy SFPA», «Slovak Foreign Policy Affairs», «Studies on International Issues» ва бошқа даврий нашрларига эга. Бу нашрлар халқаро сиёсат, хавфсизлик ва бошқа танланган мавзулар бўйича таҳлилий қарашларни ёритиб боради.

**Мақсуд АКРАМОВ,**
**«Туркистон-пресс».**

Мустақиллик 13 йил

### Юқоричирчиқ:

# Янгиланиш довонлари

(Давоми. Боши 1-бетда).

### ИСТИҚБОЛ ДАСТУРИ

Қишлоқ хўжалиги, саноат ва қурилишда амалга оширилаётган ислоҳотлар ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариш, туман иқтисодиётини мустаҳкамлашга хизмат қила бошлади. Ҳозир туман иқтисодий-ижтимоий инфратузилмасига назар ташласангиз, мулк хилма-хиллигида бамисоли камалак жилоларини кўргандек бўласиз. Бугун туманда 1400 дан зиёд корхона ва хўжалик турли мулк шаклида фаолият кўрсатаётир. Қишлоқларда кичик ва қўшма корхоналар кўпайиб бормоқда, деҳқон-фермер хўжаликлари кучга тўлмоқда. Шуни айтиш кифояки, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган хусусий корхоналарнинг сони бир йилда 67 тага кўпайиб, 310 тага етиб борди. Бир пайтлари чекка ҳисобланган қишлоқларда қайта ишловчи замонавий корхоналар қад кўтармоқда. 749 та фермер хўжалигида маҳсулот ҳажми кўпаяпти. Мана шулар туманда ялпи маҳсулот ҳажми 84 миллиард 213 миллион сўмликка етиб боришига асос бўлди. Бошқача қилиб айтганда, бир йилда ялпи маҳсулот ҳажми 28 миллиард сўмлик кўпайди. Бу ўсиш қишлоқ хўжалигида ҳам, саноатда ҳам, қурилишда ҳам таъминланмоқда. Бундай жадаллик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда ҳам, савдо-сотиқ, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам намоён бўлаётир.



— Ислоҳотлар очаётган имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳаракатидамиз, — дейди туман ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари вазифасини бажарувчи Обид Салимов. — Биз тадбиркорларни, ишбилармонларни рағбатлантиришнинг истиқболли дастурига эгамиз. Уни изчил амалга ошира бориб, иқтисодиётни кўтариш асосида турмуш фаровонлигини, бошқа ижтимоий соҳаларни ривожлантиришни таъминламоқдамиз.

Дарҳақиқат, ислоҳотларнинг чуқурлаштирилиши молия-иқтисодиёт соҳасида барқарорликка эришишга сабаб бўлаяпти. Олти ой ичида Янгибозор ва атроф қишлоқларда 78 та ўрнига 128 та кичик ва ўрта бизнес корхоналари иш бошлади. Умуман олганда, туманда ҳозирги пайтда 1260 та шундай корхона фаолият кўрсатаётир. Натижада шу йилнинг биринчи ярмида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати деярли 20 фоизга етиб борди. Халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 43 фоиз ўсишига эришилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми ҳам муттасил кўпайиб бормоқда.

Бугун туманда 15 та қўшма корхона ташкил этилган. Ҳозирги пайтда уларнинг 9 таси самарали фаолият кўрсатмоқда. Баъзи корхоналар ташкилий шаклланиш жараёнини ўтмоқда. «Янгибозорда тайёрланган» тамғали маҳсулотларнинг ҳажми ортиб, туманнинг импорт салоҳияти ўсяпти. Олти ой ичида кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилган кредит маблағлари 81 миллион сўмни ташкил этди. Бошқача қилиб айтганда, бу борадаги топшириқ 202 фоизга бажарилди.



### МЕҲР ВА МУРУВВАТ МАНЗИЛЛАРИ

Туман иқтисодиётининг ўсиши ижтимоий муаммоларни изчил ҳал қилиш имконини бераётир. Бекорга қозонда бўлса, чўмичга чиқади, дейишмайди. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, савдо айланмасининг ортиб бориши молиявий барқарорликка асос яратаётир. Нақд пул тушуми кўпайиб, ижтимоий таъминот, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ва маънавиятни ривожлантириш йўналишларидаги тадбирларнинг молиявий таъминоти тобора яхшиланиб бораяпти.

— Бугун 13 минг 649 пенсионерга хизмат кўрсатмоқдамиз, — дейди Юқоричирчиқ туман ижтимоий таъминот бўлимининг бошлиғи Зулфия Мирашировa. — Электр тармоқлари, электр алоқа тармоғи, газлаштириш, сув хўжалиги идоралари, марказий дорихона, давлат солиқ нозирлиги сингари корхона ва ташкилотлар кам таъминланган оилаларни, яккаёлғиз қарияларни ва ногиронларни моддий-маънавий жиҳатдан муттасил қўллаб-қувватлашмоқда.

Туманда кексаларни соғломлаштириш, уларга маданий-маиший шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Шуни айтиш керакки, шу олти ой ичида 29 қария турли сиҳатгоҳларга йўлланма олди. Меҳнат фахрийларидан 20 киши Товоқсой, икки киши Косонсой ва етти киши Олтиариқ оромгоҳларида даволанди. 240 меҳнат фахрийси эса, туман «Нуроний» шифохонасида соғломлаштирилди. Етти киши ногиронлик аравачаси билан таъминланди. Бундан ташқари, айрим муҳтож ва камхарж хонадонларга кўрсатилаётган ёрдам салмоғи ой сайин кўпайиб бораяпти. Чунончи, туманда ўтказилган марафондан тушган маблағнинг асосий қисми ногирон болалар тарбияси ва кам даромадли оилалар таъминотига сарфланди.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож кишиларнинг турмуш шароитини яхшилашга корхона ва ташкилотлар, ширкат ва фермер хўжаликлари ҳам тобора салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Чунончи, «Гулистон» ширкат хўжалиги бошқаруви ўзларида ишлаб кетган қариялар ва меҳнат ногиронларига мунтазам моддий ёрдам кўрсатмоқда. Жумабозор пахта тайёрлаш корхонаси ҳам бу ишда алоҳида фаоллик кўрсатаётир. Умуман олганда, туманда қариялар, ногиронлар ва кам таъминланган оилаларга бирйўла кўрсатилган ёрдам 14 миллион 220 минг сўмни ташкил этди. Бунинг 5 миллион сўмдан ортиқроғи — моддий ёрдам. Қолган 9 миллион сўмдан зиёд маблағ совға-салом ва озиқ-овқат учун сарфланди.

### ФАРЗАНД — КЎНГИЛ ЧИРОҒИ

Келажакдан умидвор инсон зоти борки, фарзандим эсли-ҳушли, баркамол ўссин, дейди.

Бу азалий ҳақиқат мустақиллик йилларида яна ҳам мафтункор жилолар касб этди, ёшлар тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Бундай орзу-ниятлар, мақсадлар мустаҳкамлигини тасдиқловчи мисоллар Янгибозор шаҳарчаси ва туман қишлоқларида бисёр. У, аввало, халқ таълимига, фарзандларининг ўқиши, билим олишини замонавий даражада ташкил этишга интилишда намоён бўлмоқда.

Халқ таълими бўлимида бизни 2009 йилгача бўлган муддатда ўқув-тарбия муассасаларини замонавий таҳлитда қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш дастури асосидаги саъй-ҳаракатлар кўлами билан таништиришди.

— Бу ўқув йилига тайёргарлик жараёнида мактабларимизни таъмирлаш ва замонавий таълим-тарбия ускуналари билан таъминлашга 187 миллион сўм бюджет маблағларига қўшимча равишда ҳомийларимиз 250 миллион сўм ажратишди, — дейди туман халқ таълими бўлимининг мудири Шуҳрат Турсунбоев. — Ҳозиргача 15 та мактабимизда бу ишлар қиёмига етказилди. «Гулистон» ва «Дўстлик» ширкат хўжаликлари, «Автомагистрал» акциядорлик жамияти, туман автомобиль йўлларидан фойдаланиш ва газлаштириш идоралари салмоқли ҳисса қўшаётирлар.

Яқин беш йилда туманда 23 та мактабни тўлиқ таъмирлаш, 6 та мактабни реконструкция қилиб, 11 тасини таъмирдан чиқариш кўзда тутилган. Бу ниҳоятда катта миқёсдаги иш эканлиги тушунарли. Лекин туман ҳокимлиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, хўжалик ва корхоналарнинг раҳбарлари дастур барча йўналишлари бўйича мукаммал бажарилишига азму қарор қилганлар.

— Ўқувчиларимизнинг олимпиадалар, спорт мусобақаларида қўлга киритаётган ютуқлари бизни таълим-тарбия соҳасида яна ҳам изчил ишлашга рағбатлантираяпти, — сўзини давом эттиради Ш. Турсунбоев. — Болалар спорти қишлоқларимизда камолга етаётган иқтидорли йигит-қизларимизни катта-катта спорт майдонларига олиб чиқмоқда. «Умид ниҳоллари»нинг республика босқичида тўрт спортчимиз биринчи ўринни эгаллади. 19-мактабнинг 9-синф ўқувчилари Анвар Каримов, Евгений Цой, Анора Исмоилова, 16-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Дария Ким шундай юқори натижага эришишди. Бу ёш теннисчиларимиз Словакияда ўтган халқаро очиқ чемпионатда ҳам совринли ўринларга кўтарилишди. Марказий Осиё давлатлари спортчиларининг мусобақасида 6-мактабимизнинг 10-синф ўқувчиси Асқар Явгашев учинчи ўринни эгаллаб, кумуш медал совриндори бўлди.

### ДАВР ФАЗИЛАТИ

Умидли дунё дейдилар. Инсон ҳар жиҳатдан бадастир яшасаю, тан-жони соғ бўлмаса, дунё кўзига қоронғу кўриниб кетади. Мустақиллик йилларида шунчаки соғлик эмас, балки етти пуштимизнинг саломатлиги ҳақида ғамхўрлик ҳаётимиз тамойилига айланди. Миллий истиқлол соғлиқни сақлаш, муносиб ворислар — соғлом авлодни вояга етказиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизни янгича мазмун билан бойитди. Бугун оналик ва болалик тўғрисида ғамхўрлик, умуман, инсон саломатлигини сақлаш ва яхшилаш бутун жамиятнинг вазифасига айланди.

— Дарҳақиқат, шундай, — дейди туман соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири, тиббиёт фанлари номзоди Дамира Эшимбетова. — Бу тамойил Меҳр ва мурувват йилида яна ҳам тўлақонли намоён бўлаётир.

Шу йилнинг ўзида Оқ овул, Жумабозор ва Жалолтепа қишлоқларида янги врачлик пунктлари очаяпмиз. Уларнинг ҳаммаси замонавий муолажа ускуналари билан жиҳозланмоқда.

Биз «Гулистон» ширкат хўжалигининг маблағи ҳисобига барпо этилаётган Оқ овул қишлоқ врачлик пунктида бўлдик. Бош шифокор Дониёр Айтқулов муолажа хоналари, беморлар қатнаб даволанадиган бўлимда сўнгги жиҳозлаш ишлари алпози билан таништирди. Бу ишларга ширкат хўжалиги 30 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфлаяпти.

Жумабозордаги ишлар кўлами кишини лол қолдиради. Эски бино тубдан таъмирланиб, барпо этилаётган врачлик пунктида шифокорлар болаларни тиббий кўрикдан ўтказиб, эмлашни бошлаб юборишипти. Ёнма-ён тез тиббий ёрдам станцияси ташкил қилинаётир.

Ҳозир дори-дармон ҳақида гап очилса, минг турли гап-сўзларни, дашному андуҳларни эшитасиз. Лекин ҳокимлик саъй-ҳаракати билан Юқоричирчиқ шифохоналарида бу муаммо аллақачон бартараф этилган. Шифокорлар, даволанувчилар билан суҳбатда кўнгилларни ёриштирадиган фикрлар эшитдик. Чунончи, туман шифохоналарида қоида тариқасида 35 номдаги дори-дармон бўлиши керак. Лекин Юқоричирчиқ шифохоналарида беморларга 53 номдаги дори-дармон текинга берилади. Бунинг учун туман ҳокимлиги чоракма-чорак етарли маблағ ажратмоқда. Айтайлик, биринчи чоракда 7,5 миллион сўмлик дори-дармон олинди. Иккинчи чоракда бу мақсадлар учун ажратилган маблағ 18 миллион сўмга етиб борди. Учинчи чорак учун эса 12 миллион сўм ажратилди.

Бугина эмас. Тиббиёт соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириб, кам таъминланганлар, қаровчиси йўқ кишилар учун уйда даволаш йўлга қўйилди. Ногиронлар бирор дардга чалинса, ташҳис-даволаш ишлари бевосита уйнинг ўзида ташкил этилаётир. Марказий шифохона мутахассислари белгиланган кунлари қишлоқларга чиқиб, аҳолини малакали тиббий кўрикдан ўтказишаяпти...







* * *

*Шоир айтганидек, ҳар даврнинг ўз фазилати бор. Мустақиллик йилларининг асосий фазилати ҳар бир саъй-ҳаракат инсон манфаатларига йўналтирилганлигидадир. Бу йўлда давлат куч-имкониятлари тадбиркорлар, катта-кичик хўжаликларнинг раҳбарлари ташаббуси билан уйғунлашиб, чатишиб кетаяпти. Айни шу жиҳат барча йўналишларда кўламли дастурлар самарали амалга оширилишига ишончли асос яратаяпти. Бутун жамият яхлит, жипс ҳаракат қилиб, ҳаётни янги мазмун, янги моҳият билан бойитаяпти. Бу уйғонишнинг асосий омили — мустақиллик, бош ҳаракатлантирувчи кучи — миллий истиқлол ғояси, истиқбол мақсади — жамият ва давлатдаги барқарорлик.*

**Жўрабек МУРОДОВ,**
**Равшан ЁҚУБЖОНОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

## «Ишбилармон ўқувчи» стипендиатлари аниқланди

**Зангиота тумани ҳокимлигида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал демократик партияси сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси ва Тошкент вилояти партия кенгаши томонидан "Ишбилармон ўқувчи" стипендияси учун эълон қилинган кўрик-танловнинг вилоят босқичи ўтказилди.**

"Ишбилармон ўқувчи" стипендияси ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларда мамлакатимиз равнақи йўлида интилиш, изланишлар ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун таъсис этилган. Шу йилнинг 25 майидан 15 июлига қадар мазкур стипендия учун эълон қилинган танловнинг туман ва шаҳар босқичлари ўтказилди. Ҳозирда танловнинг Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари ўтказилмоқда.

Мазкур стипендия республика бўйича академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларидан ўн тўрт нафарига бир ўқув йили давомида бериб борилади. Танловнинг республика босқичи шу йилнинг август ойида ўтказилиши режалаштирилган. Тошкент вилояти бўйича уч ўқувчи "Ишбилармон ўқувчи" стипендияси кўрик-танловининг ғолиби деб топилди.

**Инобат ЭГАМҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс".**

## Болалар соғлиги давлат эътиборида

**Бугунги кунда мамлакатимиздаги 13 та гўдаклар уйида мингга яқин чақалоқ давлат васийлигида тарбия олмоқда.**

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, ўтган йили мазкур гўдаклар уйларидан 554 нафар чақалоқлар олиб чиқилган. Хусусан, улардан 309 нафари ота-оналарига қайтарилган , 148 нафари фарзандликка олинган, 31 нафари "Меҳрибонлик" уйларига ҳамда 31 нафари махсус интернат муассасаларига ўтказилган. Гўдаклар уйларида тарбияланаётган болаларнинг умумий касалланиши ўтган йили 1317 промиллени ташкил этди. Болалар ўртасида тарқалган касалликлар орасида кўпроқ камқонлик, овқатланишнинг гипотрфия кўринишидаги бузилишлари учрамоқда.

Болаларнинг саломатлигини баҳолашда юрак қон-томир, нафас олиш, ҳазм қилиш аъзолари ва буйракнинг аҳволига жиддий эътибор қаратилди.

Айни пайтда республикамиздаги мавжуд 108 та болалар интернатларида ўттиз мингга яқин ногиронлар даволаниб тарбияланмоқда. Мазкур муассасаларда 200 нафар шифокорлар ҳамда 400 дан зиёд тиббий ҳамширалар болалар саломатлигини муҳофаза қилмоқда.

**А.АРСЛОНОВ,**
**"Туркистон-пресс".**

# Долзарб мавзудаги китоб

**Деҳлида "Ҳиндистон ва Марказий Осиё: умумий манфаатлар ривожи" деб номланган китоб босмадан чиқди.**

Ҳиндистон мудофаа тадқиқотлари ва таҳлили институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамкорлигида 2003 йил 6-8 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган "Минтақавий хавфсизлик бўйича Ҳиндистон-Марказий Осиё III халқаро конференцияси" материаллари ушбу янги китоб асосини ташкил этади. Унда жаҳоннинг 15 мамлакати ва иккита халқаро ташкилотдан 31 нафар муаллифнинг долзарб мавзу – Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги, халқаро миқёсдаги хавфсизлик муаммолари, минтақавий ҳамкорлик борасидаги маъруза ва мақолалари китобхонлар эътиборига ҳавола этилган. Ўзбекистондаги қатор таниқли сиёсий арбоб, олим ва мутахассисларнинг минтақавий ва халқаро хавфсизлик мавзусидаги маърузалари ҳам мазкур тўплам саҳифаларидан жой олган.

Деҳлида ушбу тўпламнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчиси И.Мавлонов тадбирни очар экан, мамлакатимизнинг хавфсизликни асраш, халқаро терроризм, экстремизм ва замонамизнинг бошқа таҳдидларига қарши кураш борасидаги ташаббус ва кенг қамровли саъй-ҳаракатлари ҳақида батафсил маълумот берди. Ҳиндистонлик таниқли сиёсий арбоб ва дипломат К.Бхутани Ўзбекистоннинг халқаро барқарорликни таъминлашга қўшаётган салмоқли ҳиссасига тўхталиб ўтди.

– Ўтган йил ноябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган минтақавий хавфсизлик бўйича Ҳиндистон-Марказий Осиё III халқаро конференциясига биз Ўзбекистон-Ҳиндистон муносабатлари доирасидаги муҳим ва ноёб воқеа сифатида қараймиз, – деди "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида Ҳиндистон Мудофаа тадқиқотлари ва таҳлили институти бош директори К.Сантанам. – Тошкентда бўлганимизда хавфсизлик масалаларига мамлакатингизда қай даражада катта эътибор қаратилишига ўзимиз гувоҳ бўлдик. Буни мазкур конференциянинг том маънода ишчан руҳда ўтганлигидан ҳам билиб олиш мумкин эди.

Тақдимот маросимининг бошқа иштирокчилари ҳам икки мамлакат ҳамкорлигида ушбу муҳим халқаро конференциянинг Ўзбекистон пойтахтида ўтказилиши ва бунинг мантиқий давоми сифатида янги тўпламнинг чоп этилиши икки мамлакат ҳамкорлик муносабатлари янада ривожланиб бораётганидан далолат беришини қайд этдилар.

**Шуҳрат УМИРОВ,**
**"Жаҳон" АА, Деҳли.**

● *Турмуш чорраҳаларида*

# Елвизак

Яқинда шаҳардаги қариндошимиз ўғлининг суннат тўйини ўтказди. Тўйга кўпчилик бўлиб ташриф буюрдик.

Кичкинагина ҳовлида дабдабали тўй бошланди. Ўйин-кулги авжига чиқди. Шўх оҳангга йўрғалаётган ўйинчи аёл мени даврага тортди.

Пардоз-андозни қиёмига етказган нозиккина раққоса даврада гир айланиб ўйнарди. Мен унга яқинлашиб, ҳайратдан ёқа ушладим. Не кўз билан кўрайки, бу раққоса болаликда бирга ўсган ён қўшним Нозима эди. У ёшлигида чиройли, лекин соддагина эди. Йигитлар юрагидан пинҳона ўрин олган Нозима ўқишга кетаяпман, деб кўринмай кетган эди.

— Турмушга чиқдингми, бола-чақанг борми? — деб сўрадим у билан холи қолгач.

— Қанақа турмуш, эр, бола-чақа, бари дардисар, даҳмаза-ку. Бошимга ураманми эрни, ана кўча тўла эркак. Қўлингда, юрган йўлингда пул, қийналмай яшайсан. Бир кишидан фарзанд орттирганман. Ҳозир у онам билан яшайди. Ўзим эса ҳеч нарсадан зориқмай яшаяпман, уларга ҳам орттириб ул-бул бериб тураман. Яна нима керак уларга?

Унинг гапларидан томоғимга бир нарса тиқилгандек бўлди. Маъносиз кўзларига тикилиб, хаёлга чўмдим:

«Эҳ, Нозима, агар сен ўйнаб-кулишни бир умрга касб қилиб олдим, деб ўйлаётган бўлсанг, қаттиқ адашасан. Ёшлик баҳор елларидек ўткинчи. Энди бундан буён фарзандингнинг тақдирини, муштипар онангни ўйласанг яхши бўларди. Онажонинг бу дунёга келиб нима кўрди? Сендан, сенинг фарзандингдан, ғамдан, уят-номусдан қадди букилди-ку. Агар билсанг, қизинг сендан юз карра чиройли, ақлли. Унинг кўпчиликка қўшилмай юришининг боисини энди тушундим...»

Собиқ қўшнимнинг синиқиб кетган юзларини, ўзига ярашмаган ўғил болаларники каби қирқилган сочларини, ажин босиб кетган қўлларини кўриб ҳайрон қолдим. Олдинги беғубор, жозибадор Нозима эмас, балки ҳиссиз, жонсиз бир буюм эди.

Куч-қувватдан қолгач, ёки бошингга бирор кулфат тушганида сенга мадад бўлувчи кимсанг борми? Ахир сен ҳеч кимга меҳр-оқибатли бўлмагансан-ку. Ёки бировларнинг эри сенга вафо қиладими? Сен ўткинчи ҳуснинг қурбони бўлибсан. Бошинг берк кўчага кириб қолибсан. Бўйнингдаги дуру, бармоқларингдаги қўша-қўша узук, ҳаром пулларга олинган чет элнинг ялтироқ кийимлари... Улар бир кун келиб сени илон, чаён каби бўғиб, чақишини хаёлингга ҳам келтирмайсан шекилли.

У яна даврага тушиб кетди. Шу тобда Нозиманинг озиб, чўп бўлиб кетган онаси кўз олдимдан ўтди. Бечора яккаю ягона қизининг йўлларига кўз тикишдан чарчамайди...

Вақт бир ҳакам. Йиллар ўтиб, бу каби елвизак аёлларни ҳаёт ўз уммонидан, албатта, улоқтириб ташлаши табиий...

**Лутфинисо ОДИЛОВА.**

● *Sport* ● *Sport* ● *Sport* ● *Sport* ● *Sport* ● *Sport* ● *Sport* ● *Sport* ● *Sport* ● *Sport* ●

# Умумармия ўйинлари бошланди

**Бугун пойтахтимиздаги Марказий ҳарбий-спорт клуби мажмуида I Умумармия ўйинларига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтади.**

Мамлакатимиз ёшлари ўртасида бир неча йиллардан буён ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» каби мусобақалар спортчиларнинг янги муваффақиятларига омил бўлмоқда. Жорий йилнинг 24 июлидан 2 августигача Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларида бўлиб ўтадиган ҳарбий-амалий ва олимпия спорт турлари бўйича I Умумармия ўйинлари эса ёшларимизнинг ютуқлари салмоғини янада ошириши шубҳасиз. Спортнинг миллий кураш, офицерлар учкураши, ҳарбий-спорт кўпкураши, енгил атлетика кросси, қўл жанги, ҳарбий учкураш, футбол каби турлари бўйича ҳарбий округлар, ҳарбий олий билим юртлари, қўшин турлари жамоалари ўртасидаги ўн кунлик мусобақаларни ташкиллаштиришдан мақсад Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2003 йил 4 ноябрдаги «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини армия ҳаётига татбиқ этиш, ҳарбий хизматчиларни спортга кенгроқ жалб қилиш, уларнинг жисмоний тайёргарлигини ошириш, улар орасидан маҳоратлиларини танлаб, катта спортга тортишдан иборат.



Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар уйида шу муносабат билан матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, полковник Манноп Аҳмедов ОАВ ходимларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб берди. У ўз сўзида барча йиғилганларни мамлакатимиз спорт ҳаётидаги улкан воқеа — халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжоновнинг жаҳон шахмат тожига эришиши билан қутлади ва республикамиз ҳарбийлари жорий йилда Италияда 26 та давлат ҳарбий боксчилари ўртасида ўтказилган халқаро турнирда иккинчи ўринни эгаллагани, ушбу спорт тури бўйича Афина олимпиадаси учун берилган йўлланмаларнинг 69 фоизини Қуролли Кучлар вакиллари қўлга киритганини алоҳида таъкидлади.

**Воҳид БОЙМУРОДОВ.**

# Мусобақалар Чирчиқда ўтаяпти

**Оққўрғон туман марказий стадионида «Футболимиз келажаги» турнирининг 11-12 ёшли болалар иштирокидаги вилоят босқичи баҳслари якунланди.**

Унда Оққўрғон туманидаги «Мустақиллик», Бўка шаҳридаги «Ўзбек», Юқоричирчиқ туманидаги «Юқоричирчиқ» ва Қибрай туманидаги «Ёшлик» маҳаллалари футбол жамоалари ғолиблик учун муросасиз кураш олиб бордилар. Қизғин баҳслар натижасига кўра, оққўрғонлик болалар футбол жамоаси вилоят ғолиби деб топилди ва республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Ушбу ёш гуруҳлар ўртасидаги республика финал баҳслари яқинда Чирчиқ шаҳрида старт олди. Ғолиб ва совриндорлар 28 июлда аниқланади.

**Муҳаммад СУННАТОВ.**

# Жамоамиз – чорак финалда!

**Хитойда ўтаётган футбол бўйича Осиё чемпионатида гуруҳ баҳсларидан чорак финалга чиққан дастлабки терма жамоа маълум бўлди. У – Ўзбекистон футбол жамоасидир!**

Миллий терма жамоамиз қитъа чемпионатининг биринчи турида Ироқ терма жамоасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратганди.

Ўзбекистонлик чарм тўп усталарининг ўйини кўпчилик футбол мутахассисларию мухлисларига манзур бўлмоқда. Буни «С» гуруҳидаги иккинчи учрашув – Ўзбекистон ҳамда Саудия Арабистони баҳсини бевосита кўриш учун стадионга келган хитойлик мухлисларнинг аксарияти ҳамюртларимизни қўллаб-қувватлаб турганидан ҳам билса бўлади.

Биринчи турдан сўнг ўзбек футболчилари арабларга қараганда яхшироқ натижа кўрсатишига ишонч ортди. Ўзбекистон терма жамоаси асосий рақиби – Саудия Арабистонига қарши кечган баҳсни жуда яхши бошлади. Қисқа вақт ичида ташаббусни қўлга олган юртимиз чарм тўп усталари рақиб дарвозаси олдида хавфли ҳужумлар уюштирди. Учрашувнинг 13-дақиқасида Александр Гейнрих ҳимоячи Хамад ал-Мунташарийни алдаб ўтиб, 25 метрдан кучли зарба берди. Тўп – дарвоза тўрида!



Иккинчи учрашувни ҳам 1:0 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилган вакилларимиз 16 терма жамоа ичида биринчи бўлиб, илк маротаба Осиё чемпионатининг чорак финалига чиқди.

Футболчиларимиз гуруҳдаги сўнгги учрашувни 26 июль куни Туркманистон терма жамоасига қарши ўтказади.

**ЎзА.**

Ҳамза туман ҳокимияти томонидан хусусий тадбиркор номига берилган «ДОКШИН МИХАИЛ ГЕННАДЬЕВИЧ» думалоқ муҳри ва бурчакли штампи йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юнусобод туманидаги 274-ўрта мактаб томонидан 1993 йилда Усмонходжаева Донохон Анваровна номига берилган АУ-298151 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юнусобод туманидаги 17-лингвистик мактаб томонидан 2002 йил 21 июнда Холматов Лазиз Туракулович номига берилган O'R-L 0004473 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш бош бошқармаси томонидан 1998 йилда рўйхатга олинган Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 89-Б уйда жойлашган ВКТ Маркет фирмасига берилган 9-9/98 реестр рақамли савдо дўкони биноси ва ер кадастри ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар: 133-70-10, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-850. Адади 5863. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.*

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30. 1 2 3 4 5